

ON POETIC FORMS AND THEIR TRANSLATION **(On the example of the epic "Alpomish")**

Akmaljon Hamidjonovich TURSUNOV¹
Doctor of Philosophy at the Namangan State University
akmalhamid@mail.ru
Sharofidin Shermuhammad oğlu NURMUHAMMADOV²
Master at the Namangan State University

Abstract

This article deals with the poetic forms found in the epic "Alpomish" and their translations into German.

Key words: Epic, translation, stylistic formula, form, artistic image, poetic image, originality.

ПОЭТИК КЛИШЕЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРЖИМАСИГА ДОИР

(“Алпомиш” достони мисолида)

Акмалжон Ҳамиджонович ТУРСУНОВ
Наманган давлат университети фалсафа доктори
akmalhamid@mail.ru
Шарофидин Шермуҳаммад ўғли НУРМУҲАММАДОВ
Наманган давлат университети магистранти

Аннотация: Мазкур мақолада “Алпомиш” достонида учрайдиган поэтик клишелар ва уларнинг немис тилига таржималари хусусида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Эпос, таржима, стилистик формула, клише, бадиий тасвир, поэтик образ, аслият.

Маълумки, ўзбек немис адабий алоқалари узоқ тарихга бориб тақалади. Хусусан, хар-икки тилда амалга оширилган таржима асарларни бунинг яққол мисоли сифатида олишимиз мумкин. XX аср ўзбек немис адабий алоқаларинг юксак чўққиси бўлди десак муболаға бўлмас, чунки мазкур асрда кўплаб ўзбек эртаклари, достонлари романлари немис тилига таржима қилинди.

XX-аср охирларида ўзбек халқ достонларига олмон таржимонлари ва тадқиқотчиларининг қизиқишлари янада ортди. Таниқли немис турколог олими иқтидорли таржимон профессор Карл Райхл 1985 йили Гўрўғли туркумига кирувчи “Равшан” достонини ўзбек тилидан немис тилига ўгирди.¹ 2001 йили эса “Алпомиш” достонининг Саидмурод Паноҳ ўғли вариантыни ҳам бевосита ўзбек тилидан олмон тилига таржима қилди.¹ Мазкур ишга нафақат таржима, балки олимнинг узоқ йиллар давомида достон устида олиб борган тадқиқот иши сифатида ҳам баҳо бериш мумкин.

Ўзбек фольклори, хусусан, достонларини олмон тилига қилинган таржималари юзасидан тадқиқотлар олиб бориш бугунги кун таржимашунослари олдида турган долзарб масалалардан биридир.

Биз ҳам баҳоли қудрат ушбу ишга ўз ҳиссамизни қўшиш мақсадида мазкур мақолада эпик клишелар, хусусан, стилистик формулалар таржимаси юзасидан фикр юритмоқчимиз.

Таниқли фольклоршунос олим Тўра Мирзаев “Алпомиш” достонининг ўзбек вариантлари” номли рисоласида “Алпомиш” достонида қўлланган эпик клишелар ва уларнинг бадиий хусусиятлари юзасидан қимматли фикр ва мулоҳазалар билдирган.

¹ Reichl K. Rawšan. Ein usbekisches mündliches Epos. – Wiesbaden: Verlag Otto Harrassowitz 1985.

Олим “Алпомиш” эпосидаги стилистик формулаларни икки гуруҳга бўлади:

1. “Алпомиш” достонининг кўпчилик вариантларида учровчи стилистик формулалар.
2. “Алпомиш” достонининг бир варианты ичида учровчи стилистик формулалар.²

Қуйида достоннинг кўпчилик вариантларида учрайдиган стилистик формулалардан баъзиларининг таржимасини кўриб чиқамиз. Саидмурод Паноҳ ўғлининг “Алпомиш” достонида энг кўп учрайдиган поэтик клишелардан бири сифатида қуйидаги клишени кўрсатиш мумкин:

Хазон уриб боғнинг гули сўлмасин.

(O möge doch die Rose, kommt der Herbst, im Garten nicht verwelken)³

Бу стилистик формула достоннинг ўнга яқин жойида учрайди ҳамда деярли бир хилда такрорланади. Лекин уларнинг услуби ва бадиий тасвири кимнинг нутқида, қандай ҳолатда келишига қараб ўзгариб туради.

Ушбу поэтик клишеларда *боғ, гул, хазон* поэтик образ сифатида талқин қилинади.

Масалан: Алпомишнинг онаси Кунтугални Қултой қиёфасидаги Алпомишга айтган сўзи;

1140 Хазон уриб боғнинг гули сўлмасин,
 Дунёда ҳеч киши бундай бўлмасин!

Таржимаси O möge doch die Rose, kommt der Herbst, im Garten nicht verwelken!

 O möge doch auf Erden niemand je in solche Lage kommen!

Айни клише баковулга хотини қилган мурожаатда ҳам учрайди:

1265 Бир неча кун сен баковул бўласан.
 Хазон урган богда гулдай сўласан.

Таржимаси Einige Tage wirst du noch Koch sein
 Du wirst verwelken wie im Herbst im Garten eine Blume.

Кўриниб турганидек, достонда келтирилган стилистик формулаларни олмон тилига ўгиришда таржимон бир марта ўгирилган шаклни ҳуди аслиятдагидек бошқа жойларга ҳам айнан кўчириб олиб ўтмаган, балки уларни турли лисоний воситалар билан ўгирган. Чунки аслиятдаги бир хиллик у мансуб бўлган фольклорий муҳит учун табиий бўлиб, ундаги такрор ҳолатлар аслият ўқувчисига деярли билинмайди. Бироқ ўзга тил услуби ва бадиий шаклида бу ҳолат ғализлик туғдириши мумкин. Шунга кўра ҳам таржимон юқоридагидек йўл тутишга мажбур бўлган.

Кўп йиллик таржимонлик фаолияти жараёнида ўзбек тили ва ўзбек халқининг

² Мирзаев Т. “Алпомиш” достонининг ўзбек вариантлари, – Тошкент: Фан 1958.

³ Reichl K. Alpomis. Das usbekische Heldenepos. – Wiesbaden: Verlag Otto Harrassowitz. 2001

Мақолада келтирилган мисоллар К.Райхл томонидан амалга оширилган таржималар ва ушбу китобда берилган ўзбекча вариантдан олинган.

турмуш тарзини яхши ўрганган К.Райхл поэтик клишелар таржимасида ҳам ўзига йул топиб, ҳар бир мисрани тегишли контекст мазмунидан келиб чиқиб таржима қилади. Айрим мисолларга мурожаат этайлик:

Хазон уриб боғнинг гули сўлмасин.

471 sich die Knospen öffneten, kam schon der Herbst in meinen Garten.

493 Die Blätter fielen, es ist verwelkt mein aufgeblühter Garten.

1140 O möge doch die Rose, kommt der Herbst, im Garten nicht verwelken!

1266 Du wirst verwelken wie im Herbst im Garten eine Blume.

Ушбу стилистик формулалар немис тилида шакл жиҳатдан аслиятдагидек бўлмаса-да, лекин ундаги мазмун ва бадиийлик аслият мазмунини тўла акс эттира олган.

Масалан:

Du wirst verwelken wie im Herbst im Garten eine Blume. (Сен худди боғда куздаги гулдай сўласан)

Бу шаклда мутаржим *хазон*, *хазонрезгилик* каби тушунчаларни куз фаслини келиши билан боғлиқ эканлигига ишора қилиб, *худди куз фаслидаги боғда (wie im Herbst im Garten)* каби тасвирлайди. (Чунки немисларда *хазон*, *хазонрезгилик* каби тушунчани айнан ифодаладиган сўз йўқ.-А.Т) Таржимон қўллаган усулда тасвир ва ифоданинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган метафорик образлар таржимада ўз рамзий маъноларини сақлаб қолган ва кейинги келаётган эпик баёнга бирикиб кетиши таъминланган. **Масалан;** аслиятда *хазон уриб*, *хазон урган*, *хазон урди* сўз бирикмаси 4 та шаклда бир хилда, факат қўшимчалари ўзгарган ҳолда келади. К.Райхл немис тилининг лексик-семантик имкониятларидан фойдаланган ҳолда, олмон ўқувчисига тушунарли бўлсин деб, *kam schon der Herbst (куз келганди)*, *die Blätter fielen (барглари тўкилган)*, *kommt Herbst (куз келиб)*, *wie im Herbst im Garten (худди куз фаслидаги боғда)* каби китобхонга таъсир эта оладиган ва аниқ тушунча ҳосил қиладиган синонимик сўз бирикмалар ёрдамида ифодалайди. Бир қарашда таржима барбод бўлганга ўхшайди, лекин ушбу таржималар немис ўқувчисига яққолроқ кўриниши ва тушунарли бўлиши учун таржимон шундай йўл тутган.

Немисча таржимада аслиятга қараганда шаклнинг кенглиги ва сўзларнинг кўп қўлланилиши кузатилади, бунинг сабаби, албатта таржимоннинг бадиий эркинликка амал қилгани ва немис тилининг грамматик қонуниятларига кўра ҳар бир гапда кесимнинг шартлилиги, модал феъллар ҳамда замон яшашда икки-уч қисмли феълларнинг ишлатилишидир. Шу ўринда таржимашунос олим Г.Гачечиладзе фикрини келтириб ўтади: “Агар таржима сўзма-сўз амалга оширилган бўлса, гарчи у аслият билан бу жиҳатдан

тенглаша олса ҳам, матний жиҳатдан мувофиқ келмайди”.⁴

Таржимон К.Райхл дostonдаги эпик шаклларни маҳорат билан олмон тилига ўгиришга эришган десак муболаға бўлмас. Ўзбек “Алпомиш”ини немис ўқувчиларига шу даражада етказиб бера олган мутаржимнинг меҳнатлари таҳсинга лойиқдир.

References

1. Мирзаев Т. “Алпомиш” достонининг ўзбек вариантлари, – Тошкент: Фан 1958.
2. Гачечиладзе Г. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. –Москва: Сов. Писатель 1980.
3. Reichl K. Alpomisch. Das usbekische Heldenepos. – Wiesbaden: Verlag Otto Harrassovitz 2001.
4. Reichl K. Rawšan. Ein usbekisches muendliches Epos. – Wiesbaden: Verlag Otto Harrassovitz 1985.

⁴ Гачечиладзе Г.Художественный перевод и литературные взаимосвязи. –Москва. Сов. Писатель. 1980. – С. 256